



# VATANDOSH

Vatandin yaxshi yor bo'lmas!

Нархи: \$0.25

www.vatandosh.com The First Uzbek Newspaper in the U.S. | АҚШдаги биринчи ўзбекча газета | 2013 йил 18 сентябрь, № 29



**Исоқ БАРАЕВ:  
Америкага ўзбек  
нонини биринчи  
олиб кирганман**

4-бет



**«Ўзбекистон ҳаво  
йўллари»да багажингиз  
йўқолиб қолса...**

11-бет

## Виржинияда ўзбек анъанавий дала сайлининг беш йиллиги бўлиб ўтди



14-бет



**Ўзбек тили  
қотиб  
қолдимиз?**

6-бет

**Си Цзиньпин: Хитой Ўзбекистон ички  
ишларига ҳар қандай ташқи  
аралашувларга қарши чиқади.....** 5-бет

**Тошкентда 4 нафар эгизак  
дунёга келди.....** 14-бет

**Уолл-Стритда  
Ўзбекистон байроғи кўтарилди....** 8-бет

**Плагиат "юлдузлар"  
ёки бир кўшиқнинг  
кўш ўғрилари.....** 13-бет



## SILK ROAD EXPRESS

theSilkRoadExpress.com  
silkroad.express@yahoo.com

office: 718.676.0011  
cell: 347.722.3850  
cell: 347.922.3139  
2294a East 14th Street,  
BROOKLYN, NY 11229



Office address:  
Gulobod Street, dom 54 kv 50,  
Tashkent, Uzbekistan 100059  
Phone: 998 90 390 7071  
Cell: 998 94 661 6007

Газетага сайтимиз орқали обуна давом этмоқда: [www.vatandosh.com/obuna](http://www.vatandosh.com/obuna)

Дилёр ҲАКИМОВ:

## «Ўзбекистон ташқи сиёсати учун Марказий Осиё устувордир»

**Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузуридаги доимий вакили Дилёр Ҳақимов 2013 йил 28 март куни БМТ Бош котиби Пан Ги Мунга ишонч ёрлиқларини топширган эди. У шу пайтга қадар Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигининг АҚШ ва Америка департаментини бошқариб келаётган эди.**

**"Ватандош" газетасининг Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги Доимий вакили билан суҳбатда Ўзбекистоннинг БТМ доирасидаги фаолиятига бағишланди.**

- Аввало, Ўзбекистон Республикасининг БМТдаги доимий вакили сифатидаги вазифангиз нималардан иборат? Шу ҳақда батафсил тўхталиб ўтсангиз?

- 1992 йили Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тўлақонли аъзоси бўлди. Айнан шу куни БМТнинг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳида Ўзбекистон байроғи кўтарилди.

Ўзбекистон БМТ ва унинг ихтисослаштирилган тузилмалари билан турли йўналишларда фаол иш олиб бормоқда. Айниқса, хавфсизликка таҳдидлар ва хавфларга қарши курашиш, Афғонистонни барқарорлаштириш ва қайта тиклаш, оммавий қирғин қуроллари тарқалишга қарши курашиш, экологик муаммоларни ҳал қилиш, чунончи, Орол денгизи инқирози оқибатларини енгиллаштириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, инсон ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш каби йўналишларда ўзаро ҳамкорлик жадал олиб борилмоқда.

- Ўзбекистонга қўшни бир қатор мамлакатлар трансчегаравий дарёларнинг юқори оқимида улкан

ГЭСлар қуришга интилоқда. Ўзбекистон бундай лойиҳалар халқаро ҳуқуқ доирасида амалга оширишни талаб қилмоқда. Айтинг-чи, Доимий вакил бу борада БМТда қандай ишларни амалга оширмоқда?

- Бугун Оролбўйида бутун дунё учун салбий оқибатларга олиб келувчи нафақат экологик муаммолар, балки ижтимоий-иқтисодий, демографик муаммолар йиғилиб қолди. 2010 йили Оролга ташриф буюрган БМТ Бош котиби Пан Ги Мунга бунга амин бўлди.

Ўзбекистон Марказий Осиё сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш тарафдори ҳисобланади. Биз шунга аминмизки, минтақамиздаги сув-энергетика муаммоларига оид барча масалалар БМТ Конвенцияларида мустақамлаб кўйилган халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига мувофиқ кўриб чиқилиши керак. Зеро, Амударё ва Сирдарё асосий трансчегаравий дарёлар бўлиб, улар ушбу минтақада яшовчи миллионлаб кишилар ҳаётининг асосий манбаидир.



Биз ушбу дарёларнинг юқори қисмида ГЭС қурилишига оид барча лойиҳалар БМТ шафелигида халқаро экспертизадан ўтиши ҳамда дарёларнинг куйи оқимида жойлашган давлатлар билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилиши лозим, ҳисоблаймиз. Гигант тўғонли йирик ГЭСлар қурилишига оид лойиҳаларни ўйламасдан амалга оширишга бўлган интилиш экологияга тиклаб бўлмайдиган даражада зиён етказиши билан бир қаторда, техноген фожеларга сабабчи бўлиши мумкин.

- "Талко" ДУК ишлаб чиқариш фаолиятининг атрофи муҳит ва одамлар соғлиғига таъсири бугун долзарб масалалардан бирига айланди. Бу борада яқинда Сенат қарор қабул қилди. Қолаверса, қарийб 1 миллион киши имзоси йиғилган мурожаат БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонасига юборилган. Бу борада қандайдир ўзгаришлар борми?

- Тошкентда 20-21 август кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан Ўзбекистон Экологик ҳаракати билан ҳамкорликда ташкил этилган "Тожикистон "Талко" давлат унитар корхонасининг ишлаб чиқариш фаолияти экологияга ва одамлар соғлиғига кўрсатаётган ҳалокатли таъсири бартараф этиш чоралари" мавзусида халқаро семинар бўлиб ўтди. Семинарда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сенаторлари, Қонунчилик палатаси депутatlари, Ўзбекистон Экологик ҳаракати Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси аъзолари, Европа, Америка ва Осиё давлатларидан парламент аъзолари, жумладан, Тожикистон парламенти депутатлари, тадқиқотчилар, экспертлар, БМТ Тараққиёт дастури ва ЕХХТ каби халқаро ташкилотлар, мамлакатимиздаги тегишли вазирлик ва идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий

ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. 22 август куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси очилди. Сенаторлар ўз ишларини Олий Мажлисининг юқори палатаси муҳокама-сига мамлакат Экологик ҳаракати ва фуқаролик жамияти институтлари томонидан тақдим этилган материаллар асосида "Тожикистон "Талко" ДУК корхонасининг ишлаб чиқариш фаолияти экологияга ва одамлар соғлиғига кўрсатаётган ҳалокатли таъсири бартараф этиш чоралари тўғрисида"ги масалани муҳокама қилишдан бошладилар. Муҳокама яқунлари бўйича сенаторлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг "Талко" ДУК чиқиндиларининг одамлар соғлиғига ва табиий муҳитга салбий таъсирини бартараф этиш ҳамда камайитириш, минтақада экологик вазиятни соғломлаштириш бўйича шошилиш чораларни кўриш, бунинг учун зарур ташкилий-ҳуқуқий нормалар ва ресурсларни сафарбар қилишни, ушбу муаммони ҳал қилишга манфатдор экологик ташкилотлар, БМТнинг тегишли тузилмалари, мамлакатлар парламентлари ва ҳукуматлари имкониятларини жалб этишни назарда тутадиган қарори қабул қилинди. Қарорда кўрсатиб ўтилганидек, трансчегаравий ифлослантириш муаммолари халқаро ҳуқуқнинг умумқабул қилинган принциплари ва нормаларини, халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни ҳисобга олган ҳолда ҳал қилиниши керак.

- Маълумки, ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Ташқи сиёсий фаолияти концепцияси қабул қилинди. Халқаро ҳамжамият, хусусан, бу ҳужжатда илгари сурилган ғояларни қандай қабул қилди?

(Давоми 3-бетда).



Vol. 29. Wednesday,  
September 18, 2013

Publisher:

**Farhod Sulton**

Deputy Editors:

**Murod G'afurov**

**Nilufar Salimova**

Managing Editors:

**Jora Bo'takoz**

**Narkhudja Sadikov**

**Hikmat Sulton**

**Abdumalik Ahmedov**

Web Developers:

**Shohruh Kenjaev**

**Editorial and Executive  
office:**

2705 Coney Island Ave.

Brooklyn, NY. 11235

**Phone:** 646.397.0325

**Web:** www.vatandosh.com

**Email:** info@vatandosh.com

*All materials in this newspaper have been copyrighted and are the exclusive property of Vatandosh, Inc, and cannot be reproduced without the due consent of the publisher.*

*The views and opinions expressed by our columnists do not necessarily reflect the editors' point of view.*

*We are not responsible for contents of advertisements and products and establishments advertised in Vatandosh.*

### “ВАТАНДОШ”ГА ОБУНА БЎЛИНГ:

Газетамизга обуна бўлинг. "Ватандош" ҳар ой хонадонингиз меҳмони бўлсин.

[www.vatandosh.com/obuna](http://www.vatandosh.com/obuna)

Дилёр ХАКИМОВ:

# «Ўзбекистон ташқи сиёсати учун Марказий Осиё устувордир»

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолият концепцияси асосий устуворлиги шундаки, Ўзбекистон ташқи сиёсати учун Марказий Осиё устувор минтақа ҳисобланади, зеро у давлатимизнинг ҳаётий манфаатлари билан бевосита боғлиқдир. Марказий Осиё муаммолари минтақа давлатлари томонидан ташқи кучларнинг аралашувисиз ҳал қилинмоғи керак. Ўзбекистон ўзининг яқин қўшнилари га нисбатан очиқ, дўстона ва амалий сиёсат олиб бориш тарафдори бўлиб, минтақанинг мавжуд сиёсий, иқтисодий ва экологик муаммолари ўзаро манфаатларни ҳисобга олган ҳолда, конструктив мулоқот ҳамда халқаро ҳуқуқ қоидалари асосида ҳал қилишга интилади.

- **Яқинда БМТ Бош Ассамблеясининг навбатдаги саммити бўлиб ўтади. Ўзбекистон мазкур саммитда қайси йўналишдаги масалаларга алоҳида урғу беради?**

- 24 сентябрдан 1 октябрга қадар БМТ Бош қароргоҳида Бош Ассамблеянинг 68-сессияси бўлиб ўтади. Бу

БМТга аъзо барча давлатлар юқори мансабдор шахслари иштирок этадиган асосий йиллик тадбирлардан ҳисобланади. Ўзбекистон делегацияси саммитда қатнашади ва республиканинг миллий манфаатлари учун муҳим аҳамиятга эга масалалар юзасидан маъруза қилади.

- **Доимий вакил томонидан амалга оширилаётган маданий тадбирлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз?**

- Ўзбекистоннинг БМТдаги Доимий ваколатхонаси иштирокида ташкил этилган сўнгги энг ёрқин маданий лойиҳалардан бири, шубҳасиз, ўзбек мумтоз мусиқасининг ноёб йўналиши - шашмақомга бағишланган халқаро фестивалдир. Фестивал доирасида Нью-Йоркдаги "Квинс-театр"да Ўзбекистон, Исроил ва АҚШ мақомчиларининг концерти бўлиб ўтди. Концертда Тошкентдан махсус таклиф этилган Ўзбекистон халқ артисти, академик Юнус Ражабийнинг авлодлари қатнашди. Маълумки, 2013 йилда шашмақом дунё маданиятининг дурдонаси сифатида эътироф этилиб, ЮНЕСКОнинг инсоният номдодий маданий мероси рўйхатига киритилди. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, бундай тадбирлар дунё хал-



қларини бир-бирига яқинлаштиради, Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги дўстона, маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлайди.

- **Ватандошларимизга байрам тилақларингиз**

- 1 сентябрь куни мамлакатимиз ҳаётида тарихий сана сифатида, яъни Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 22 йиллигини кенг нишонладик. Шуниси аниқки, 22 йил тарих олдида, дунё харитасида бир давлатнинг шаклланиши жараёни учун жуда қисқа давр. Аммо шу қисқа давр ичида Ўзбекистон асрларга тенг йўлни босиб ўтди. Биз ўз олдимишга ривожланган демократик давлатлар қатори-

дан жой олиш, кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш ҳамда ҳаётнинг барча жабҳаларини янгилаш, иқтисодийetni модернизация қилиш ва диверсификация қилиш мақсадини кўйганмиз.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодийети қарийб 4 баравар, аҳоли жон бошига реал даромад 7 бараварга, пенсияларнинг ўртача миқдори 9 бараварга, ойлик маош 18 бараварга кўпайди, одамларнинг умр кўриши ўртача 7 йилга узайди.

Бугун биз дунё ҳамжамияти билан ҳамқадам кетяпмиз, яқин ва узоқ мамлакатлар, халқаро ташкилотлар ва

институтлар билан дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро манфаатли шериклик алоқаларини мустаҳкамлаб бормоқдамиз. Бунда, албатта, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилиш бўйича бошланган ислохотларнинг босқичма-босқич изчил давом эттирилиши таъминлаш, демократик ислохотларни ва либераллаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, халқимиз турмуш фаровонлигини янада ошириш жуда муҳимдир.

Имкониятдан фойдаланиб, "Ватандош" газетасининг барча ўқувчиларини Мустақиллик айёми билан чин дилдан қутлайман, уларга соғлиқ, бахт, омад ва фаровонлик тилайман.

## Бухоро яҳудийлари конгресси делегацияси Ўзбекистонга ташриф буюрди

2013 йил 21 август куни Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов АҚШ ва Канада Бухоро яҳудийлари конгресси президенти Борис Кандов бошчилишидаги делегацияни қабул қилди. Бу ҳақда Ташқи ишлар вазирлиги матбуот хизмати хабар тарқатди.

Учрашувда маданий ва гуманитар йўналишларда ҳамкорликни кучайтириш хусусида фикр алмашилди.

АҚШ ва Канада Бухоро яҳудийлари конгресси делегацияси Ўзбекистон мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланган тантанали байрам тадбирларида, шунингдек, Самарқанд шаҳрида очиладиган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалида иштирок этиш учун ташриф буюришган.



Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов Тошкент - Сиэтл биродар шаҳарлар уюшмаси ҳамраиси Диана Пирс бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Бу ҳақда Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги расмий сайти хабар тарқатди.

Делегация Ўзбекистонга икки шаҳар ўртасида биродарлик алоқалари ўрнатилганининг 40 йиллик юбилейи ҳамда Ўзбекистон мустақиллиги байрами муносабати билан ташриф буюрган. Учрашувда Тошкент ва Сиэтл ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари икки давлатда ҳам катта эътибор қаратилиши айтиб ўтилди.

Томонлар Тошкент ва Сиэтл ўртасидаги ҳамкорликнинг муваффақиятли тажрибасини икки давлат тузилмалари, жамоат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти вакиллари доирасида ҳам маданий-гуманитар, илмий-таълим соҳаларда ҳамкорликни кенгайтириш зарурлигини қайд этишди.

Тарихчилар Тошкент ва Сиэтл ўртасидаги алоқа-

## Абдулазиз Комилов Тошкент - Сиэтл биродар шаҳарлар уюшмаси ҳамраисини қабул қилди



лар тарихини 1971 йил билан боғлашади. Ушанда Аляска авиакомпанияси раҳбарияти таклифи биноан, Тошкент шаҳар ижроқўми раиси (ҳокими) Воҳид Қозимов ўзининг Иркутск ва Сочи шаҳарларидаги ҳамкасблари билан Сиэтлга ташриф буюради. Сиэтлнинг ўша вақтдаги мэри ва Қозимов жуда қалин бўлиб кетишади ҳамда икки шаҳар ўртасидаги биродорлик алоқаларини ўрнатиш ташаббуси тугилади.

Бу ғояни амалга оширишда АҚШ президенти Ричард Никсоннинг 1972 йили Москвага қилган ташрифи муҳим роль ўйнади. Гарчи Никсоннинг мазкур расмий таш-

рифдан мақсади Шимолий Вьетнамга босим ўтказиш бўлса-да, ушбу учрашув доирасида ядровий қуролни қисқартиришга ҳам келишилади.

Сиэтл жамоатчилиги бу воқеадан руҳланиб, СССР билан маданий алоқаларни ҳам ўрнатиш зарурлигини қайд этишади. Сиэтл мэри Вес Ульман Никсонга Тошкент билан биродар тутиниш ҳақидаги таклифини киритади. 1973 йилда Сиэтл собиқ иттифоқ худудидаги шаҳарлар билан қардошлик алоқаларини ўрнатган биринчи шаҳар бўлади.

1974 йилда Сиэтлда "Тошкент" парки барпо этилади, кейинчалик машхур ҳайкалтарош Шарипо

Яковнинг "Бахт куши Семурғ" композицияси ушбу паркнинг кўркига айланади. Тошкент - Сиэтл муносабатлари СССР ва АҚШнинг ўзаро алоқалари ёмонлашган даврларда, хусусан, Афғонистон инқирози йилларида фаолият олиб борди.

Айни пайтда Тошкентда ҳам "Тинчлик боғи" ва "Сиэтл" кафеси очилади. Эътиборли жиҳати, "Тинчлик боғи"ни барпо этишда юзлаб сиэтллик кўнгилчилар қатнашади.

Ҳамкорликда турли маданий тадбирлар, байрамлар, анжуманлар ўтказиш йўлга қўйилди. Уларда, айниқса, дунёда тинчликни ўрнатиш ғояси устувор эди. Хусусан, 1983 йилда сиэтлликлар ядро урушининг олдини олиш истаги битилган хатга 42 мингта имзо йиғишиб, Тошкентга етказишади. Айни чоғда Тошкентда ҳам худди шу ният билан 120 минг имзо йиғилади.

Исоқ БАРАЕВ:

# Америкага ўзбек нонини биринчи олиб кирганман

**Барчамизга маълумки, бугунги кунда ўзбек тадбиркорлари ўзларининг ишбилармонлиги ва тижорат соҳасидаги билимлари билан дунё бозори мусобақасида бемалол ўз кучларини кўрсата олишади. Шу сабабдан ҳам улар ҳозирда нафақат ватанимизнинг ўзида, балки бутун дунё мамлакатларида фаолият юритишмоқда. Айнан АҚШнинг ўзида ана шундай тадбиркорларимиз кўпчиликти ташкил этишади.**

Нега айнан АҚШда деган савол туғилиши мумкин. Жавоб жуда оддий. АҚШда ўз тадбиркорларимизга талаб кучли, аниқроқ қилиб айтганда ўз маҳсулотларимизга хоҳиш банд. Айниқса, АҚШнинг Нью-Йорк штатида буни яққол сезиш мумкин. Ватандошларимиз сони қайси ҳудудда кенгайиб борар экан, уларда аввало миллий таомларга, миллий кийим кечакларга, миллий ошхоналарга нисбаттан талаблар келиб чиқади.

Айни пайтда Нью-Йоркда ўзбек ошхоналарини деярли ҳар жойда кўриш мумкин. Ҳар бирининг ўзига хос ажралиб турадиган томонлари, хизматлари ва хилма-хил маҳсулотлари мавжуд. Қизиғи, уларда таомларнинг қанчалик хилма-хил бўлишига қарамай, ҳар бирида ўзбек нонини топиш мумкин. Айнан шу ўринда, ўзбек нонини ким биринчи АҚШга олиб кирган экан ёки Американинг қайси тандирида биринчи ўзбек нони ёпилган экан деб ўйлаб қолдик. Ва ниҳоят ушбу инсонни бугунги сонимизда таништириб ўтишни лозим топдик.

Исоқ ака Бараев Самарқандда туғилган бўлса-да Тошкентда ўсгани сабаб ўзини тошкентликман деб таништиради. У киши Америкада биринчи ўзбек нонини олиб кирганини улкан фахр билан тилга олади. Яхшиси, бу ҳақида уларнинг ўзларидан эшитсак мақсадга мувофиқ бўлади.

**- Исоқ ака, аввало ўзингиз ҳақингизда гапириб ўтсангиз?**

- Мен санъаткорлар, аниқ-

роғи доирачилар оиласида туғилиб ўсганман. Санъат билан улғайганман, десам ҳам бўлади. Оиламиздан Ўзбекистон халқ артисти Анвар Бараев, Ёқубжон Бараев каби машҳур санъаткорлар вояга етган. Шашмақом ансамблининг етакчи доирачилари ҳам бизнинг оилада кўп. "Ялла" гуруҳи ва Ботир Зокиров билан бир неча йиллар бирга ижод қилганмиз.

**- Санъатдан тадбиркорликка қандай кириб келгансиз?**

- Тадбиркорлик бу менинг иккинчи ишим десам ҳам бўлади. Санъат билан ҳали ҳам шуғулланаман. Доирачилик бу энг севимли машғулоти. Тадбиркорликни ҳам бизнес мақсадида эмас, бу ердаги вазиятга қараб бошлаганман. АҚШда илк бор 80-йилларда Нью-Йоркка келиб қўнганман. Келганимда ўзбеклар сони бу ерда унчалик кўп бўлмас ва лекин бирорта ўзбекча ошхона ёки ўзбекча нонини учратолмасди киши. Шунда ўйлаб қолганман, ўз миллий таомларимизга эҳтиёж сезсак қаерга мурожаат қилармиз, қайси новвойхонага қараб чопамиз деб. Охири, бу ишга ўзим қўл уришга бел боғладим. Шу мақсадда 1995-йилларда Нью-Йоркнинг Квинс шаҳрида "Ўзбекистон" номли ресторан очдим. Бу иш ўзбекларни америкаликларга танитишдаги илк қадамлардан бўлди деб ўйлайман.

**- Биринчи ўзбек нонини АҚШ маҳаллий аҳолиси қандай қабул қилишди?**

- Тўғриси айтсам бу улар учун янгилик бўлди. Эсимда

биринчи америкалик ошхонамизда кирганида олдида биринчи нон қўйганмиз. У бундай егуликни умрида кўрмаганини лекин мазаси бутун умр эсга қоларлигини кувониб айтган эди. Нафақат нонимизни, балки бошқа миллий таомларимизни ҳам татиб кўриб улар ҳайратда қолишган.

**- Улардаги бу қизиқш фаолиятингизга қандай таъсир этди?**

- Жуда катта таъсир кўрсатган. Энг аввало, уларнинг, юртдошларимизнинг миллийлигимизга бўлган қизиқиши менга туртки бўлган десам ҳам бўлади. Талабларга биноан, 1998 йилда Квинс шаҳрида Ўзбек Миллий маданият маркази (Uzbek Cultural Center) га асос солдим. Марказ етакчилари билан миллий урф-одатларимизни, миллий байрамларимизни ўтказиб турардик. Марказ АҚШнинг турли ҳудудларидаги ватандошларимизни бирлаштиришга ҳам катта хизмат кўрсатди. Бундан кейин эса 2001 йил Бруклин шаҳрида "Зарафшон" номли, 2005 йилда эса Квинс шаҳрида "Вечерний Ташкент" номли ресторанлар очишга муваффақ бўлдим. 2007 йилдан бери эса Ўзбекистондан турли қуруқ меваларни Америкадаги ҳамюртларимизга ва маҳаллий аҳолига етказиб тураемиз.

**- Яқинда сиз очган "Sultan Palace" ресторани янги бўлишига қарамай анча тез оммалашди. Масалан Бруклинда деярли ҳамма билади десак ҳам бўлади. Бунинг сири нимада?**

- Тўғри айтасиз, ресторанимизнинг очилганига уч ойгина бўлган бўлса ҳам, шукрки, анча мижозларга эгамиз. Бунга сабаб жуда кўп. Киши тадбиркорликка қўл урар экан, у соҳани, энг аввало, ўзи ўзлаштира олиши муҳим. Айниқса, ресторан очишда "хўжайин" эмас, балки ишчи бўлиб тижорат юритсагина, у муваффақиятга эришади. Қисқа қилиб айтганда, ҳамжиҳатлик жуда муҳим ҳислат. Қолаверса биринчи навбатда ресторанимизнинг таомномаси ва дизайнига жуда катта эътибор қаратганмиз. Ҳар бир таомнинг номи, тайёрлаш усу-



ли, унинг маҳсулотларини обдон ўйлаб киритганмиз. Дизайни ҳам ўз ишининг устаси бўлган дизайнерлар маслаҳати билан яратганмиз. Ресторан деворининг ҳар бир бурчагида бир вилоятнинг кўринишини тошда ўймакорлик билан тасвир этилан. Ҳаммаси бўлиб 12 та вилоятнинг тасвирини кўриш мумкин. Ёши катта онахон, отахонларимизга ҳам мослаштириб хонтахта, кўрпача, ёстиқларни Ўзбекистоннинг ўзидан олиб келиб қўйганмиз, уларнинг талабларига асосан мумтоз кўшиқлар жонли ижро этилади. Ҳар бир бурчакга миллий санъатимиз намуналарини учратиш мумкин.

**- "Sultan Palace" нинг хизматлари ҳақида эслатиб ўтсангиз?**

- Ресторанимизда деярли барча ўзбек миллий таомлари мавжуд. Кўпчилигини таомномага кититган бўлсақда, унда учратмаган таомларни мижозларимиз талаб қилишса, буюртма беришса, албатта, етказиб берамиз. Ошхонамизда қўли моҳир ошпазлар, пазандалар хизмат қилишади. Айниқса, ош, кабоб, беш бармоқ, хонум, норин, чўзма ва уйғурча лағмон, қазӣ, ва ҳасибларни маромига етказиб тайёрлаб беришади. Ресторанимиз яна бир ажралиб турадиган томони шундаки, бизда ошхона-

нинг ўзда махсус тандирларда Сурхондарёдан келтирилган арча шохларидан тандир кабоб тайёрлашади. Ресторан 150 кишига мослашган бўлиб бугунги кунга қадар турли базмгоҳлар, маракаларни ўтказиб берамиз. Яқинда бир неча байрам тадбирлари, туғилган кун ва юбилейлар, никоҳ ва ақиқа тўйларини муваффақиятли ўтказиб бердик. Қолаверса, бизда ҳар куни жонли ижрода миллий ва эстрада кўшиқлари янграйди.

**- Янги тадбиркорларга қандай маслаҳат берар эдингиз?**

- Энг асосий маслаҳатим, биринчи навбатда молиявий натижани кўзламасдан асосан мижоз талабини қондиришнинг унумли, янги йўлларига эътибор қаратишсин, масалан миллийчилигимиз уйғунлигида, миллий санъатимиз уйғунлигида. Кейин янги, кам тажрибали тижоратчиларга дарров шахсий бизнесга қўл уришларини маслаҳат бермаган бўлар эдим. Улар учун жуда оддий кўринган бу жараён аслида жуда мураккаб кечиши мумкин. Шунинг учун, аввало, тажрибали тадбиркорлар билан ишлаб, улардан ўрганишсин, керакли билимга эга бўлишсин. Бу энг катта нарсаси. Ишбилармон ва билимли тадбиркор албатта муваффақиятга эришади!



Ислом Каримов:

# Хитой олдимизга ҳеч қандай сиёсий талаб қўймаган


8-10 сентябрь кунлари Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлди. У аэропортданок Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов кутиб олди, бутун сафар давомида ҳамроҳлик қилди, Самарқанд тарихий қадамжолари билан шахсан таништирди.

Ўзбекистон раҳбари Хитой раҳбари билан тор доирадаги учрашувда Хитойнинг буюк қўшни эканлигини алоҳида айтиб ўтди. "Узоқ йиллик ҳамкорлик алоқалари давомида Хитой ўзининг ишончли ҳамкор эканлигини исботлади ва Хитой бутун дунёга қандай ҳамма мамлакатлар, чунончи, Ўзбекистон билан қандай ҳамкорлик қилишни кўрсатиб қўйди. Айтмоқчиманки, бу ҳамкорлик, аввало, тенгҳуқуқлик, ишончлик ҳамда энг муҳими, ички ишлар аралашмаслик тамойилларига асослангандир", дейди Ислом Каримов.

Ислом Каримовга кўра, бутун ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган давр мобайнида Хитой Ўзбекистон олдида қандайдир сиёсий талаб қўйган ҳолат учрамайди. "Бундай ҳолат бўлмаган ва умид қиламанки, ҳеч қачон юз бермайди", деди Ўзбекистон раҳбари.

Ислом Каримов Хитой Ўзбекистоннинг стратегик шериги эканлигини яна бир бор қайтиб, Ўзбекистонга катта ёрдам бераётганлигини айтиб ўтди.

Хитой Халқ Республикаси Раисининг ушбу ташрифи доирасида умумий қиймати 15 миллиард долларга тенг лойиҳаларни амалга оширишга оид 31 ҳужжат имзоланди.



Си Цзиньпин:

# Хитой Ўзбекистон ички ишларига ҳар қандай ташқи аралашувларга қарши чиқади

Маълумки, 8-10 сентябрь кунлари Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлди.

Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида геосиёсий таъсирга давлатлардан бири эканлигини ҳамда Ислом Каримовни яқин дўсти сифатида билишини айтиб ўтди.

"Сиз ҳар доим айтадиганингиздек, давлатларимиз ўртасидаги юқори ишонч даражаси бизнинг Сиз билан алоқаларимизда энг бой ресурсимиз ҳамда энг катта ютуғимиз ҳисобланади, - Хитой раҳбари. - Фикримча, алоқаларимизнинг мана шу устувор жиҳатида тегишли тартибда самарали фойдаланмоғимиз керак".

У айнан шу ишонч руҳининг икки томонлама алоқа-



ларнинг барча жабҳаларини қамраб олиши учун ҳукуматлараро, парламентлараро ҳамда партиялараро ҳамкорликни кучайтириш зарурлиги-

ни айтиб ўтди. ХХР Раисининг сўзларига кўра, Хитой бундан кейин ҳам ўзаро дўстлик ва ҳамкорликни кучайтиришга ҳеч иккиланмасдан барча

саъй-ҳаракатларини йўналтиради.

"Биз Сизнинг ўз тараққиёт йўлингиздан боришингизни қатъий қўллаб-қувватлаймиз. Давлат хавфсизлиги ва тараққиёт манфаатларига йўналтирилган ички ва ташқи сиёсатинингизни жиддий қўллаб-қувватлаймиз. Биз Сизнинг ички ишларингизга ҳар қандай ташқи аралашувларга қарши чиқамиз. Ишонинг, Хитой абадий Сизнинг мамлакатингиз учун энг яхши дўст ва шерик бўлиб қолажак", деди Си Цзиньпин.

Ташриф давомида имзоланган Ўзбекистон - Хитой газ қувурини қуриш ва ишга тушириш тамойиллари тўғрисидаги битимга қўшимча протокол йилига 30 миллиард куб метр газ етказиб бериш қувватига эга тўртинчи линия қурилишини назарда тутди.

## Дурбек Аманов Германияга элчи этиб тайинланди

Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасида Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб Дурбек Аманов тайинланган. Унинг номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан тасдиқланган. Эслатиб ўтамиз, Дурбек Аманов Ўзбекистон Республикасининг Нью-Йоркдаги бош консули сифатида фаолият юритиб келган эди. Жорий йилнинг июль ойида Дурбек Аманов ваколат муддати тугаши муносабати билан ўз вазифасини топширди. Шуни қайд этиш керакки, Дурбек Аманов сўнгги уч йил давомида консул вазифасини бажариб келган эди.



Дурбек Аманов (ўртада)

## "Ангрен-Поп" темир йўлини қуриш иқтисодий асослари белгилаб берилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов "Ангрен - Поп" электрлаштирилган темир йўл линиясини қуриш бўйича инвестициявий лойиҳанинг параметрларини тасдиқлаган. Бу ҳақда "Подробно" янгиликлар агентлиги хабар тарқатди.

Мазкур лойиҳага кўра, "Ангрен - Поп" темир йўлини қуриш "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик темир йўллари компаниясининг ўз ва жалб қилинган маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

2013-2016 йилларда мазкур лойиҳани амалга ошириш учун давлат бюджетидан 500 миллиард сўм миқдорида маблағ аж-

ратилади. Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармаси эса 131 миллион доллар йўналтиради.

Шу билан бир қаторда, лойиҳани амалга ошириш, чунончи, темир йўл линиясини электрлаштириш, уни сигнализация ва алоқа тизимлари билан жиҳозлаш, йўналишни ишга тушириш учун машина ва механизмлар харид қилишга имтиёзли асосда хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳам кўзда тутилмоқда.

Президент "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик темир йўл компаниясига тегишли вазирликлар билан бирга, 2014 йилнинг 1 июлига қадар лойиҳанинг техник-иқтисодий асосини ҳуку-

матга тасдиқлаш учун киритишни топширди.

Экспертларнинг фикрича, "Поп - Ангрен" темир йўли Ўзбекистонда ягона темир йўли тизимини шакллантириш, "Хитой - Марказий Осиё - Европа" халқаро темир йўл транзит йўлагини яратиш ҳамда Фарғона водийсини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Эслатиб ўтамиз, ушбу лойиҳа Тожикистон Республикаси орқали Фарғона водийси вилоятларига олиб борадиган монопол йўлакка барҳам беради. Сўнгги ҳисоб-китобларга кўра, ушбу лойиҳани тўлиқ амалга ошириш қарийб 2 миллиард долларга айланади.

# Ўзбек тили қотиб қолдимми?

Яқинда Озарбойжоннинг "Тренд" ахборот агентлигида шундай бир ахборотга кўзим тушди. Унга кўра, Озарбойжон миллий фанлар академияси тилшунослик институти мутасаддиси Масъуд Маҳмудов Қозоғистон Республикаси фан ва таълим соҳаси вакиллари билан Озарбойжоннинг лотин ёзувига ўтиш тажрибаси ҳақида ўртоқлашибди. У лотин ёзувига асосланган қозоқ тили имло қоидаларини жорий қилишда ўз мамлакати тажрибаларига суянишни тавсия қилибди.

Ушбу ахборотни ўқиш баробарида хаёлимдан бундан қарийб йигирма йил бурун ислоҳ қилиш ташаббуси илгари сурилган ва бугунги кунда ўлда-жўлда қолиб кетган лотин тилига асосланган ўзбек тилидаги муаммолар кўз ўнгимдан ўта бошлади.

Бугун лотин ёзувига асосланган ўзбек тили имло қоидалари турли соҳа вакиллари, айниқса, тилшунослар, таржимонлар ҳамда журналистлар орасида (асосан интернетда) кенг муҳокама қилинади, ҳамма ҳар хил фикр билдиради. Гап бу ерда лотин алифбосини жорий этиш ёки эмасликда эмас, балки лотин ёзувига асосланган ўзбек тили имло қоидалари

рени маромига етказиш хаёлдан кўтарилганидир.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, ҳозирда турмушимизнинг барча соҳасида лотин ёзувини қўллаш билан турли муаммоларга дуч келинмоқда, турли ҳарфларни ўз билганича қўллаш ҳоллари учрамоқда. Тегишли тартибда тасдиқланган имло қоидаларининг муҳокамага муҳтожлигини инкор қилиб бўлмайди. Айниқса, паспорт ва шунга ўхшаш ҳужжатларни расмийлаштириётганда лотин ёзуви қоидаларига турлича ёндашилаётгани ҳеч ким сир эмас.

Лотин ёзувига асосланган қайсидир муаммоларни тилга олиш-



дан йироқмиз, ҳар бир ўқувчида бу борада тегишли фикр ва тавсиялар бор. Аммо кишини қуюнтирадиган жиҳат шундаки, Ўзбекистонда бундан қарийб йигирма йил бурун қабул қилинган имло қоидаларини такомиллаштириш масаласи ёддан кўтарилганидир.

Бугунги кунда на жамоат ташкилотлари, на давлат ташкилотлари томонидан лотин ёзувига асосланган ўзбек тили имлосини такомиллаштириш бўйича муаммолар кўтариб чиқилмаётгани, улар оммавий равишда муҳокама қилинмаётгани ташвишланарлидир.

Албатта, шундай масалалар борки, улар давлат сиёсати даражасида муҳокама этилмоғи, давлат раҳбарияти даражасида қарор қабул қилинмоғи керак. Аммо тил ва ёзув жамиятнинг мулки, жамият доирасида ҳал қилиниши ва кенг муҳокамадан ўтадиган масала. Унга қанақадир сиёсий тус бериб бўлмайди. Минг афсуски, лотин ёзувига асосланган ўзбек тили имло қоидаларини такомиллаштириш, уни қўшни давлатлар, умуман, хориж тажрибаси асосида маромига етказиш масаласи эътибордан четда қолган.

Биргина "Ц" ҳарфи имлосини олайлик. Ушбу ҳарфни қўллаш шу даражада чалкаштириб юборилганки, айрим сўзларда унинг талаффузи бузилади, маъноси йўқолади, айрим ҳолатларда уни талаффуз қилиш ёки ёзишга ҳижолат бўласиз. Ҳатто Қорақалпоғистонда "ц" ҳарфини лотин алифбосида ёзишнинг мақбул вариантыни топа олишган. Блогер Мухрим Аъзамхўжаев ўз блогида ёзади: "2009 йили 8 октябрь куни Қорақалпоғистон Жоқарғи Кенеси бошлиғи Ерниязов "Латын жазуёна тийкарланган Қарақалпақ алифбесини енгизиш ҳақида"ги қонунни имзолаган экан ("низом" дейишар экан - қонунга тенг бўлса керак).

Қонуннинг биринчи бандида алифбога "с" ҳарфини киритиш

кўзда тутилган бўлиб, у рус ёки бошқа Европа тилларидан ўзлашган сўзлардаги кириллча "ц" ҳарфи ўрнида қўлланилади. Конкрет мисоллар ҳам келтирилган: tsement, tsentner, tsirk каби эмас, cement, centner, sirk каби ёзилади, деб". Лотин ёзувига асосланган ўзбек тили имло қоидаларига кўра, ушбу сўзлар sement, sentner, sirk шаклида қўлланиши керак.

Бундай баҳсли, турк тилида сўзлашувчи халқларнинг тажрибаси асосида қайта кўриб чиқиладиган жиҳатлар жуда кўп. Биз у ёки бу ёзув қоидаси тўғри ёки шуни жорий этиш керак, деган фикрдан йироқмиз. Тил ижтимоий ҳодиса, у халқ билан бирга ривожланиб, такомиллашиб боради.

Ўзбекистонда кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш мақсад қилиб олинган. Бу гоёнинг бош шартини жамият ҳаётидаги энг муҳим масалаларда фуқароларнинг, жамоатчилик ташкилотчиларининг фаол иштирокидир. Афсуски, ўзбек тилини давлат тили сифатида жорий қилиш ва имло қоидаларини такомиллаштириш масаласида на жамоатчилик, на давлат идоралари жиддийроқ ишга қўл урмапти. Бир сўз билан айтганда, ўзбек тили имло қоидалари эгасиз қолиб кетди, ҳар ким билганича иш тутмоқда. Бу эса жуда ачинарли ҳолатдир.

Кўча тўла саводсиз эълонлар-у, шиорлар мутлақо жавобгарликсиз қолмоқда. Шу боис Ўзбекистонда имкон қадар тезроқ имло қоидаларини янада маромига етказиш бўйича тегишли жамоатчилик баҳсларини бошлаш, мамлакатдаги барча тилшуносликка оид институтларни жалб қилган ҳолда такомиллаштирилган имло қоидаларини ишлаб чиқиш ва уни омма муҳокамасига эълон қилиш ҳамда тегишли тартибда қабул қилиш зарур.

Мурод ҒОҒУРОВ.

## TOWN TOTAL HOME CARE AGENCY

ВНИМАНИЕ!  
СРОЧНО ТРЕБУЮТСЯ

РАБОТНИКИ  
С СЕРТИФИКАТОМ  
РСА и ННА



Немедленное трудоустройство!

1041-33



- Удобный для вас график — полный и неполный рабочий день
- Работа на выбор во всех районах Нью-Йорка
- Еженедельная зарплата
- Оплата сверхурочных часов
- Direct Deposit

Помогаем оформить Home Attendant сервис и перевести Housekeeper на Home Attendant за короткое время  
Реальная помощь пациенту и работнику

(718) 717-8821

У НАС ЕСТЬ ОФИСЫ ВО ВСЕХ РАЙОНАХ НЬЮ-ЙОРКА:  
БРУКЛИН, КВИНС, МАНХЭТТЕН, БРОНКС, СТЕЙТЕН-АЙЛЕНД

**Бугунги иқтисодий ўзгаришлар, айниқса, сўнгги глобал молиявий инқирозлар турли соҳаларга жиддий зиён етказди. Айниқса, минглаб олий маълумотли ҳамда профессионал кадрлар ўз иш жойини йўқотди, янги ишга кириши ҳам бирмунча қийинлашди. Бундай шароитларда жадал ва интенсив таълим берадиган, меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларни ўзлаштиришга кўмаклашадиган таълим муассасасининг аҳамияти беқиёс. Қолаверса, Америкага борганлар учун янги ҳаётга мослашишда турли таълим муассасалари сув ва ҳаводек зарур бўлади. Негаки, ўз мамлакатида олинган олий маълумот кўп ҳам бошқа мамлакатда қўл келаверади.**

# Manhattan School of Computer Technology: Таълим ҳаётда муваффақиятларга эришишнинг асосий омилидир

Манхэттан компьютер технологиялари мактаби нотижорат ташкилоти ҳам мана шу мақсадлар йўлида фаолият юритади. Унинг бош мақсади маҳаллий жамиятни тўлиқ қамраб олиш ва имкон қадар кўпчиликти таълим билан қамраб олишдир.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Манхэттан компьютер технологиялари мактаби 18 йилдан бери фаолият юритиб келади ва у бизнес ва тиббиёт соҳаси учун минглаб малакали кадрларни қайта тайёрлади. Таълим муассасалари орасида катта нуфузга эга мазкур мактаб юқори таълим стандартларини жорий қилган.

Мактаб Нью-Йорк Таълим департаменти томонидан рўйхатга олинган бўлиб, федерал даражада Мустақил коллеж ва мактабларни аккредитациядан ўтказиш кенгаши томонидан аккредитация қилинган. Ушбу масканда

Тиббиёт муассасаси мутахассиси, компьютер дастурлари асосида кучайтирилган бухгалтерия, инглиз тили иккинчи тил сифатида ўргатилади. Зеро, буларга меҳнат бозорида жуда катта талаб бор. Мазкур таълим дастурлари дунёнинг турли мамлакатларидан келган кучли ва малакали мутахассис-инструкторлар томонидан ўтилади. Факультетимиз ва ходимларимиз ўзбек, урду, форсий, бенгал, рус, украин, грузин, испан, араб ва бошқа қатор тилларда бемалол сўзлаша олади ҳамда турли этник гуруҳларга мансуб бўлган талабаларга турли даражада таълим бера олади.

Манхэттан компьютер технологиялари мактабининг энг машҳур дастурларидан бири - инглиз тили иккинчи тил сифатидадир (ESL). Нега ушбу дастурга катта эҳтиёж туғилмоқда?

Мактаб жойлашган худуд аҳолиси асосан

янги келадиган иммигрантлар ҳисобига изчил кўпайиб бормоқда. Иммигрантлар янги муҳит ва шароитга мослашиши бирмунча қийин бўлгани боис уларнинг инглиз тилини имкон қадар тезроқ ўрганиши сув ва ҳаводек зарурдир.

Манхэттан компьютер технологиялари мактаби 600 соатлик кучайтирилган инглиз тили сабоқларини таклиф қилади. Дастурнинг бош мақсади ўқувчиларга мулоқот қила олиш даражасида кўникмаларни беришдир. Дастур оддий инглиз тили кўникмаларидан тортиб мукамал сўзлашув ва ёзув тузилмаларини қамраб олган ҳолда ишлаб чиқилган. Мазкур дастурга кўра, ўқувчилар 8 ойда инглиз тилида етарли даражада мулоқот қила олиши мумкин. Ушбу дастурдан сўнг аксарият талабалар бухгалтерия ёки тиббиётга оид дастурларда қатнашади ва ўқиш тугагандан сўнг иш

топиб кетишади.

Манхэттан компьютер технологиялари мактабида инглиз тили сабоқларига дунёнинг турли мамлакатларидан талабалар қатнашади. Айнан бир синфда Ўзбекистон, Тожикистон, Россия, Польша, Грузия, Колумбия, Покистон, Бангла-

Инлиз тили сабоқлари дастурининг яна бир муҳим жиҳати - очик ҳавода ўтказиладиган турли машғулотлар ва сафарлардир. Инструкторлар талабаларни Нью-Йорк Ситининг диққатга молик жойларига, хусусан, Central Park, Metropolitan Museum of Arts, Museum



деш, Хитой, Монголия ва бошқа мамлакатлардан келган талабаларни учратишингиз мумкин. Турли этник келиб чиқишга эга талабалар ўз тажрибалари билан ўртоқлашган ҳолда бир-бирига инглиз тилини ўрганишга ёрдам беришади. Мухими, шу йўл билан янги ҳаёт, янги келажак сари қадам ташланади.

Манхэттан компьютер технологиялари мактаби инглиз тили инструкторлари юқори билим ва тажрибага эга. Улар ўқитиш жараёни самарадорлигини ошириш учун турли услуб ва технологияларни ўзаро уйғунлаштирган ҳолда дарс олиб боришади. Айнан бир кунда талабалар инглиз тилида мулоқотга киришиши, ёзма машғулотларни бажариши ҳамда инглиз тилини онлайн ўрганиш учун компьютер лабораторияси дарсларида қатнашиши мумкин. Компьютер лабораторияси Манхэттан компьютер технологиялари мактабида инглиз тилини ўрганишда мажбурий бўлган жараёнлардан биридир.

of Natural History, Staten Island Ferry ва қатор жойларга олиб боришади. Ушбу сафарлар ва очик ҳаводаги машғулотлар пайтида талабалар Америка маданияти ва анъаналари билан яқиндан танишиш ҳамда инглиз тилида кўплаб мавзуларни муҳокама қилишлари мумкин.

Манхэттан компьютер технологиялари мактаби талабалари асосан катта ёшдаги кишилардир. Уларнинг аксарияти оилали, фарзандли. Мактабга қатнаш орқали отаоналар ўз фарзандларига ҳам ўрнак бўлишади. Чунки бу билан улар ўз фарзандларига ҳаётда муваффақиятга эришиш учун таълимнинг ўрни ниҳоятда катта эканлигини исботлаб беришади.

Манхэттан компьютер технологиялари мактаби фаолияти кўпроқ маълумот олишни истасангиз, Нилуфар Гаппаровага телефон қилинг: (718) 360-1534 ташқи.105 ёки Мактабнинг 939 Coney Island Ave., Brooklyn, NY 11230да жойлашган қабулхонасига келиб, тегишли маълумотларни олишингиз мумкин.



# Уолл-Стритда Ўзбекистон байроғи кўтарилди



1 - 7 сентябрь кунлари Нью-Йоркнинг тарихий, маданий ва молиявий маркази ҳисобланган Уолл-Стритда Ўзбекистон мустақиллигининг 22 йиллиги муносабати билан Ватанимиз байроғи ҳилпираб турди.

Байроқни кўтаришга бағишланган тантанали маросимда 100 дан ортиқ киши, жумладан, Ўзбекистонлик ижтимоий-сиёсий доира вакиллари, БМТ тизимида ишлаётган ҳамюртларимиз, Нью-Йоркдаги ўзбек диспораси вакиллари ҳамда Нью-Йорк аҳолиси ва сайёҳлар қатнашди.

Ўзбекистонликларни эса ушбу тадбирда яққол ажратиш мумкин эди, чунки уларнинг аксарияти миллий кийимларда келишган эди.

Тадбир давомида АҚШ ва Ўзбекистон байроқларини кўтариш маросими бўлиб ўтди. Икки мамлакат давлат мадҳиялари янгради.

Шундан сўнг тадбир қатнашчилари эътиборига ўзбек миллий муסיқаси ва

рақс дастасидан иборат маданий дастур тақдим этилди, айниқса, миллий куй-қўшиқларимизга уйғунлигидаги рақс дасталари сайёҳлар ва нью-йоркликлар эътиборини жалб қилди.

Тадбир Ўзбекистоннинг БМТдаги доимий ваколатхонаси, Ўзбекистоннинг Нью-Йоркдаги бош консулхонаси, Америка - Туркистон Ассоциацияси ҳамда "Фонд Форум" томонидан ташкил этилди.

RESTAURANT  
**SULTAN PALACE**

**FREE DELIVERY**  
min \$15

Catering for All Occasion  
Dine in • Take out  
Live Music

2663 Coney Island Avenue  
Brooklyn, NY 11223  
718-648-2536  
718-648-2579

**Dinar Travel**  
AIRLINE TICKETS, HOTELS, VACATIONS & MORE

2667 Coney Island Ave  
Brooklyn, NY 11223  
Phone: (407) 722-0408

**FOR RESERVATION: (800) 769-7407 / (856) 577-9158**

**UZBEKISTAN airways** **AEROFLOT**  
Russian Airlines

**TURKISH AIRLINES** **Lufthansa**

**American Airlines** **DELTA** **AeroSvit**

**BOOK YOUR TICKET NOW TO GET \$25 OFF DISCOUNT**

**SUMMER SALE** **UP TO \$100 OFF ON PACKAGE HOLIDAY BOOKINGS!**

• 15 ways to get Cheap Flights, lowest fare guarantee!  
• Save up to 70% on Flights, Hotels, Car Rental & Family Holidays!

**NYS CAS**

A Division of  
**TOURO COLLEGE**

*College with a personal touch*

**ASSOCIATE'S AND BACHELOR'S DEGREES**

- Business Management and Administration • Information Technology • Human Services
- Psychology • Education • Biology • Social Sciences • Paralegal Studies
- Digital Multimedia Design • Liberal Arts and Sciences • and more

**INTEGRATED HONORS TRACKS**

Undergraduate/Osteopathic Medicine  
Undergraduate/Pharmacy

**OTHER PROFESSIONAL OPPORTUNITIES**

• Pre-Law • Pre-Medical • Pre-Dental

**INFORMATION SESSIONS:**

Manhattan: 27-33 West 23rd Street, Admissions Office  
Wednesdays, 12 noon-5 pm

Brooklyn: 1870 Stillwell Avenue, Admissions Office  
Wednesdays, 11 am-7 pm

[www.touro.edu/nyscas](http://www.touro.edu/nyscas)

- Zamonaviy kompyuter laboratoriyalar
  - Ingliz tili kurslari
  - Kunduzgi va kechki darslar
  - Xalqaro talabalarni qabul qilamiz
  - Moliyaviy yordam
- Transfer students welcome!



scan here

**BROOKLYN:** 718.265.6534 x1002

Bensonhurst, Brighton Beach, Flatbush,  
Kings Highway, Starrett City

**MANHATTAN:** 212.463.0400 x5500

**QUEENS:** 718.520.5107 x102 Forest Hills

*Hurmatli do'stlar!*

*Agar siz Amerikada o'qib, diplom olmoqchi bo'lsangiz va buning uchun sizda **ingliz tili va matematikada** yetarli bilim bo'lmasa, hech xavotir olmang, biz sizga albatta yordam beramiz.*

***Touro College** tayyorlov kurslari joriy qildi. Unda siz o'qishga kirish uchun yetarli ma'lumotni olib, orzuvingizga erishishingiz mumkin.*

*Darslar qulaylik uchun kechki soatga mo'ljallangan. Vaqtni yo'qotmang.*

*Quyidagi telefon orqali bizga qo'ng'iroq qiling. 718.336.6471 x30119 Kristina*

**New York School of Career and Applied Studies**

Touro College is an equal opportunity institution

# АҚШнинг «қора бюджети»: махфий хизматлар нимага кўпроқ пул сўрашган?

**The Washington Post** газетаси Эдвард Сноуден томонидан эълон қилинган ҳужжатларнинг навбатдаги қисмини чоп этди. Бу галги материалларда АҚШ хавфсизлик хизмати бюджети масаласи атрофлича таҳлил этилади. Улардан англашиладики, ҳозирги кунда АҚШ разведкаси харажатлари "совуқ уруш" йилларидагиданда кўп бўлиб, Россия ҳали ҳам АҚШ хавфсизлик идоралари учун устувор мамлакатдан бири бўлиб қолмоқда.

The Washington Post газетаси журналистлари 178 саҳифадан иборат ҳисоботни қўлга киритган бўлиб, унинг бор-йўғи 17 варағи эълон қилинган.

Сўнги 6 йил давомида АҚШ ҳукумати хавфсизлик хизматига ажратилган маблағларнинг умумий миқдорини чоп этиб келаятир эди. Аммо ушбу маблағлар айнан қайси йўналишларга сарфлангани ошкор этилмас эди.

Эълон қилинган ҳужжатга кўра, АҚШ махфий хизматлари харажатлари 11 сентябрь воқеаларидан сўнг икки баравар кўпайган. Ўтган 12 йил давомида уларнинг эҳтиёжлари учун 500 миллиард доллардан ортиқ маблағ сарфланган.

Эдвард Сноуден ошкора қилган маълумотларга кўра, ўтган йилнинг ўзида АҚШнинг 16 махфий хизмати харажатлари 55 миллиард долларга етди. Жорий

йил учун Конгрессдан 52,6 миллиард доллар сўралган.

Энг серхаражат махфий идора Марказий разведка бошқараси бўлиб, унинг харажатлари 2012 йилда 14,7 миллиард долларни, Миллий хавфсизлик агентлигининг харажатлари 10,5, Ҳаво-космик разведка миллий бошқармасиники эса 10,3 миллиард долларни ташкил қилган.

Ҳужжатлар таҳлили шуни кўрсатдики, ажратилган маблағларнинг 20,1 миллиард доллари иқтисодий беқарорлик таҳдидлари, ижтимоий танглик ва бошқа ҳолатларни аниқлаш ва анализ қилишга сарфланган. 17,2 миллиард доллари терроризмга қарши курашиш ҳамда АҚШ миллий хавфсизлигига таҳдидларни бартараф этишга йўналтирилган. 6,7 миллиард доллари оммавий қиргин қуроллари тарқалишига, 4,3 миллиард доллари кибержино-



ятларнинг олдини олишга ажратилган.

АҚШ хавфсизлик хизматлари учун Россия, Хитой, Эрон, Куба устувор мамлакатлар ҳисобланади. Бу давлатлар қаторида ҳатто Исроил ҳам бор. The Washington Post мухбирларининг ёзишича, Исроил гарчи АҚШнинг энг яқин

иттифоқдоши бўлса-да, бир неча марта ушбу мамлакатнинг Америкадаги айдоқчилик ҳаракатлари аниқланган. АҚШ хавфсизлик хизмати органлари учун энг муаммоли давлат Шимолий Корея бўлиб, айдоқчилик маълумотларини олиш жуда мушкул вазифа ҳисобланади.

## IMMIGRATION

### LAW OFFICES of Marina Shepelsky, P.C.

961-74

Attorneys at Law

Member of NY and NJ Bar

2306 Coney Island Avenue, 2 Floor, Brooklyn, NY 11223

Tel.: (718) 717-8821 Fax: (718) 769-2391

E-mail: marina@shepelskylaw.com

АДВОКАТ

МАРИНА ШЕПЕЛЬСКАЯ

ОСУЩЕСТВИТЕ СВОЮ МЕЧТУ ЛЕГАЛИЗОВАТЬСЯ В АМЕРИКЕ  
С ПОМОЩЬЮ ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО АДВОКАТА,  
КОТОРОМУ ВАША СУДЬБА НЕБЕЗРАЗЛИЧНА

Law offices of Marina Shepelsky, P.C.  
предоставляет следующие услуги:

- ЗАЩИТА ОТ ДЕПОРТАЦИИ
- ИММИГРАЦИОННЫЙ СУД/  
ИММИГРАЦИОННЫЕ АРЕСТЫ И ТЮРЬМЫ
- СОПРОВОЖДЕНИЕ  
НА ИММИГРАЦИОННЫЕ ИНТЕРВЬЮ
- ПОДГОТОВКА  
К ИММИГРАЦИОННЫМ ИНТЕРВЬЮ
- ОФОРМЛЕНИЕ  
ГРИНКАРТЫ/ ГРАЖДАНСТВА
- БИЗНЕС ВИЗЫ
- ВИЗЫ ИНВЕТОРОВ
- ГРИНКАРТЫ ДЛЯ ЖЕРТВ  
СУПРУЖЕСКОЙ ЖЕСТОКОСТИ
- ВИЗЫ ЖЕНИХА/ НЕВЕСТЫ

Консультации по вечерам  
и в выходные дни  
по предварительной записи

**ПЕРВАЯ КОНСУЛЬТАЦИЯ  
БЕСПЛАТНО!**

## Bramson ORT College:

**"Бош мақсадимиз — сифатли таълим.  
Барча саъй-ҳаракатимиз Сизнинг  
келажингизга қаратилган"**

Нью-Йоркдаги аксарият коллежлар зўр таълим хизматлари ва дастурларини таклиф қилади, лекин Bramson ORT College нотижорат мактаб таълими такдим қилиш сирини саклай олган ягона коллеждир.

Bramson ORT College икки йиллик нотижорат коллеж бўлиб, қулай шарт-шароитларга эга ҳамда тегишли тартибда давлат органларидан рўйхатдан ўтказилган таълим дастурларини таклиф қилади. Бундан ташқари, дастурлар Бухгалтерия, Бизнес бошқаруви (менежмент), Компьютер технологиялари тизимлари, Электрон технологиялар, Тиббий ёрдам ва Офис технологиясини ҳам қамраб олади.

Биз бугунги кунда Параюридика, Фармацевтика техникаси, Қайта тикланадиган энергия ва Ҳайвонларни дизайнлаштириш ва дастурлаш йўналишларида ҳам Associate Degree дастурларини такдим қилаяпмиз. Биз кичик гуруҳларда курсларни таклиф қиламиз, бу амалиётда керак бўладиганлар билимларни индивидуал эътибор асосида олиш имкониятини беради. Бугун оғир иқтисодий шароитда ота-оналар ва ўрта таълим битирувчилари Bramson ORT Collegенинг афзал жи-

ҳатларини ҳисобга олишлари керак. Коллеж яхши стипендияларга эга бўлган тўловга эга. Шунингдек, коллеж карьера амалиёти, ишга жойлашишга кўмаклашиш, илғор талабаларга молиявий ёрдам ва бошқа таълим имкониятларини таклиф этади.

Мактаб поезд, метро ва автобуслар сингари асосий жамоат транспорти қатнови мавжуд бўлган қулай жойда жойлашган. Квинсдан Е, F, N, R, ва М метро йўналишлари орқали ёки Long Island темир йўли орқали келиш мумкин. Бруклиндан метронинг D йўналиши ва турли автобуслардан фойдаланиш мумкин.

Кўпроқ маълумот учун қуйидаги манзилга мурожаат ёки телефон қилинг: 69-30 Austin Street Forest Hills NY, (718) 261-5800 ёки Бруклиндаги 8109 Bay Parkway Brooklyn NY, (718) 261-5800.

Чегараланган вақт ичида Bramson ORT Collegega ҳужжат топширинг ва ўқишга кириш ҳамда Сиз ўз контракт тўловингиздан 500 доллар миқдорида стипендияга эга бўласиз. Кузги қабул учун рўйхатга олиш давом этмоқда. Дарслар 2013 йил 10 октябрдан бошланади.

Умумий қоидалар/Камситишга қарши қайднома

Bramson ORT College ўз таълим дастурлари ва фаолиятида ирқи, терисининг ранги, келиб чиқиш миллати, жинси, жисмоний имконияти чекланган ёки чекланмаганлиги, ёши, фахрийлик мақоми, жинсий ориентацияси ёки вазнига қараб камситмайди. Қуйидаги шахслар дискриминацияга қарши сиёсатга оид талабларни ишлаб чиқишга масъулдирлар:

Стези Рожер-Гордон - персонал бўйича директор, ходимлар ўртасида мазкур қоидаларга риоя этилишига масъул координатор. 69-30 Austin Street

Forest Hills, NY 11375  
718-261-5800, ext 149  
sroger@ortopsusa.org

Стиф Харрис:

Факультет адъюнкти, талабалар ўртасида мазкур қоидаларга риоя этилишига масъул координатор.  
69-30 Austin Street  
Forest Hills, NY 11375  
718-261-5800  
sharris@ortopsusa.org

**Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2013 йил 29 июлдаги буйруғи билан Ҳаво транспортида йўловчи ва багаж ташиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.**

**Киритилган ўзгартишга кўра, ҳаво транспортида йўловчи ва багаж ташиш шартномалари, жумладан чартер шартномалари асосида ташилади.**

**Ҳаво транспортида ташиш шартномасига биноан ташувчи йўловчи ва унинг бағажини чиптада кўрсатилган парвозни амалга ошираётган ҳаво кемасидан жой бериб белгиланган манзилга элтиб қўйиш мажбуриятини, йўловчи бағажини топширган бўлса - бағажини белгиланган манзилга етказиб, уни йўловчига ёки йўловчи тайинлаган шахсга топшириш мажбуриятини олади. Йўловчи белгиланган тариф буйича парвоз учун, ташувчи белгиланган меъёрдан ортиқ багаж бўлган тақдирда эса - бундай багаж учун ҳам ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.**



# «Ўзбекистон ҳаво йўллари»да бағажингиз йўқолиб қолса...

Ташувчи ҳаво транспортида йўловчи ва багаж ташиш шартномасини ташиш йўналишининг исталган манзилида қуйидаги ҳолларда бекор қилиши мумкин:

Йўловчи томонидан парвоз бошлангандан, тугайдиган ва транзит мамлакатнинг қонун ҳужжатларида белгиланган божхона, чегара, санитария-карантин талаблари ва ҳаво транспортида ташишга тааллуқли бошқа талаблар бузилса;

агар йўловчи соғлигининг ҳолати ҳаво транспортида ташишнинг алоҳида шарт-шароитларини талаб қилса ёхуд йўловчининг ўз хавфсизлигига ёки бошқа шахсларнинг хавфсизлигига таҳдид солса, бу ҳол тиббий ҳужжатлар билан тасдиқланса, худди шунингдек тартибсизлик келтириб чиқарса ва бошқа йўловчиларга ташиш шартномасининг шартларида назарда тутилган хизматларни кўрсатиши учун ташувчига имконият бермаса;

ҳаво кемаси ичидаги юриш-туриш қоидалари йўловчи томонидан парвоз хавфсизлигига таҳдид турдирадиган ёхуд ҳаво кемаси ичидаги шахсларнинг ҳаётига ёки соғлигига ва мол-мулкига таҳдид туғдирадиган тарзда бузилса.

Ташувчи парвозларнинг йўналишлари ва жадвалларини, йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш тарифларини, аэропортларда ва ҳаво кемасининг ичида хизмат кўрсатиш шартларини эълон қилиши ҳамда аҳолининг (мижозларнинг) эътиборига етказиши шарт.

Йўловчи ҳаво транспортида ташиш шартномаси амал қилиб турган исталган вақтда - йўловчи учун жой банд қилиб қўйилган ҳаво кемаси парвоз қилгунча ёки парвоз қилганидан кейин

йўналиш манзилларидан бирида ҳаво транспортида ташиш шартномасини бекор қилиш ва ташиш учун тўланган сумманинг ҳаммасини ёки бир қисмини ташувчининг тарифларини қўллаш қоидаларида белгиланган тартибда олиш ҳуқуқига эга.

Чиптанинг эгаси вафот этган ёки соғлиги оғирлашган ҳолатларда йўловчи, унинг вакили ёки тегишли ҳуқуққа эга бўлган шахслар чиптанинг пулини қайтариб олиш ҳуқуқига эга.

Учиб келган рейс йўловчиларига багаж топширилганидан кейин талаб қилиб олинмаган багаж уни олиб келган ташувчи ҳисобидан сақлаш ва бундай бағажнинг эгасини қидириш ҳамда уни эгасига етказиб беришни ташкил этиш учун аэропортнинг тегишли хизматига топширилади.

Ташувчилар томонидан олиб келиниб, талаб қилиб олинмаган багаж аэропортда кўпи билан 3 ой сақланади ва аэропортнинг тегишли хизмати томонидан йўқ қилинади.

Чет эллик ташувчилар томонидан олиб келиниб, талаб қилиб олинмаган багаж аэропортда кўпи билан 7 кун сақланади ва уни олиб келган ташувчининг рейси билан қайтариб юборилади.

Қимматбаҳо металллар, қимматбаҳо, яримқимматбаҳо тошлар ҳамда табиий марваридлар ва бошқа шунга ўхшаш предметлар йўқ қилинмайди.

Бағажларни йўқ қилиш бўйича тегишли ҳужжатлар, шунингдек уларни йўқ қилинганлигини тасдиқловчи видео ва фото материаллар тегишли аэропортда сақланади.

Етказилган зарар ёки зарарнинг кўпайиши жабрланувчининг кўпол эҳтиётсизлиги натижаси эканлигини ташувчи исботлаб берган бошқа ҳолларда фуқаролик қонун ҳужжатларининг умумий нормаларига мувофиқ зарар учун тўланадиган товоннинг миқдори камайтирилиши ёки зарарни қоп лашдан халос этилиши мумкин.

Расмийлаштирилган чипта ва олдиндан банд қилинган жойга эга бўлган йўловчига ташувчи томонидан ҳаво кемасидан жой бериш рад этилган бўлса ва бу йўловчининг белгиланган вақтдан ортиқ учиш пунктида ушланиб қолишига сабаб бўлса, йўловчига етказилган зарар ташувчи томонидан компенсация тўлови ёки бепул қўшимча хизматлар кўрсатиш орқали қопланади.

Парвоз ташувчи томонидан белгиланган аниқ вақтдан кечикса, ташувчи йўловчига етказилган зарарни қоплаш шарт. Зарар миқдори парвоз купони нархидан келиб чиққан ҳолда ташувчи томонидан белгиланади.

Йўловчига етказилган зарар учун ташувчи томонидан қуйидаги бепул қўшимча хизматлар кўрсатилади:

бир маротаба телефон орқали гаплашиш ёки телеграмма юбориш ёки бошқа алоқа хизматларидан фойдаланишни таъминлаш;

парвозгача кутиш даврида ёки транспортнинг бошқа тури орқали ташишгача бўлган вақтда озиқ-овқат ва ичимлик суви билан таъминлаш;

ташувчи қоидаларида белгиланган муддат кутиш вақтидан кўра кўпроқ бўлса, меҳмонхона билан таъминлаш;

кутиш вақтида транспорт орқали аэропортдан вақтинчалик яшаш жойигача элтиб қўйиш ва қайтишни таъминлаш; чиптада назарда тутилган туташ рейсларга кечикиш билан боғлиқ харажатларни тўлаш.

Қуйидаги ҳолларда йўловчига компенсация тўловлари тўланмайди: йўловчи бошқа рейсда учишдан бош тортса ва чипта учун тўланган пулнинг мажбурият бажарилмаган қисми доирасида жойида тўлаб беришни талаб қилса;

йўловчи ташувчининг чипта олиш ва рўйхатдан ўтишга келиш муддатлари билан боғлиқ талабларига риоя қилмаса;

йўловчи парвоздан четлатилганда; йўловчи рўйхатдан ўтиб, учиб кетиш жойига келмаса;

рейсда йўловчига уни чиптасида кўрсатилган классдан юқорироқ классда қўшимча ҳақ олмасдан ташиш таклиф этилса;

ташув бепул амалга оширилаётган бўлса.

Мазкур тузатишлар ички ишлар вазири Б. Матлюбов, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рацобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси А. Абдулҳакимов, Миллий хавфсизлик хизмати раиси Р. Иноятов, Давлат божхона қўмитаси раиси З. Дусанов, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раиси Х. Мирзахидов, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси Бош директори В. Тян томонидан имзоланган, яъни келишилган ва Адлия вазирлиги томонидан рўйхатдан ўтказилган.



## "Ўзбекнаво" Ватан ҳақида қўшиқ куйлаган хонандаларга лицензияларини қайтариб берди

Миллий эстрадани ривожлантириш ва мувофиқлаштириш кенгаши ҳузуридаги ижодий кўмаклашувчи гуруҳлар йиғилишининг 2013 йил 13 августдаги йиғилиш баёнига асосан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Дилфуза Раҳимова, "Ниҳол" мукофоти совриндори Отабек Муталхўжаев, хонанда Дилшод Раҳмонов, Жасур Умиров, "Уммон" ва "Манго" гуруҳлари лицензиялари қайтариб берилди. Бу ҳақда шоу-бизнес хабарларини ёритишга ихтисослашган "Сайёд" сайти хабар берди.

"Ўзбекнаво эстрада бирлашмаси сайтимиз учун берган эксклюзив маълумотга кўра, лицензиялар қайтарилиши сабаби, аввало, уларнинг қўшиқлари муҳокама қилингани, бу давр мобайнида улар 5 тадан 10 тагача Ватанни мадҳ этувчи қўшиқлар ёзиб тақдим қилишгани ва Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги муносабати билан Республикаимизнинг чекка ҳудудларида иштироки ҳамда аҳоли билан ижодий учрашувлар ўтказганликлари кўрсатилмоқда", дейилади сайтда.



# Чикагода ватандошлар дала сайлига чиқди



**Иллинойс штатининг Чикаго шаҳри атрофида истиқомат қилувчи ўзбекистонлик ватандошлар 31 август куни дала сайлига йиғилди. Чикаго Ўзбек-Америка Ассоциацияси томонидан мустақиллик байрамига бағишлаб ташкил этилган ушбу тадбирда 100 га яқин одам йиғилди.**

**Йиғинда ёшу-қари жамул-жам бўлиб, ўзбекона дастурхон атрофида дилдан суҳбат қуриш имконига эга бўлди. Миллий тансиқ таомлар тортилиб, болалар ва катталар учун турли ўйинлар ташкил этилди.**

Эрталаб ҳаво айниб, ёмғир ёғишига қарамай, сайлга, кутилганидек, кўпчилик ташриф буюрди. Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган арқон тортиш ўйинида бу сафар ҳам йиғилган билакларининг кучини намойиш этди. Болалар ҳам парқдаги ўйингоҳларда ўз тенгдошлари билан мириқиб ўйнаш имкониятига эга бўлди.

Чикаго Ўзбек-Америка Ассоциацияси президенти Олимжон Шарипов қатнашганларга ўз миннатдорлигини изҳор этиб, ватандошларимизни ана шундай тадбирларда фаол иштирок этишга чақирди. Жамият етакчиларидан Сирожиiddин Насафий ҳам сўзга чиқиб, ватаннинг, тилнинг қадрига етиш, миллий урф-одатларни,

ўзбек тилини асраб-авайлаш лозимлиги ҳақида кўниб гапирди.

Хорижда туғилиб вояга етаётган ўзбек фарзандларининг ўз она тилини эсдан чиқармасликлари лозимлигига алоҳида урғу берилди.

Шу муносабат билан жамиятимиз қошида дам олиш кунлари ўзбек тили дарсларини ташкил этмоқчи-

миз, деди жамият раҳбари Олимжон Шарипов. Унинг айтишича, сайлга ташриф буюрган оилалар орасида бу ташаббусга қизиқиш билдираётганлар кўп. Ватанимизга боғлиқлигимизни, миллий урф-одатларимизни унутмаслигимиз учун она тилимизни яхши билишимиз жуда муҳим аҳамиятга эга, дейди Олимжон ака.

Чикаго Ўзбек-Америка Ассоциацияси нодавлат нотижорат ташкилоти бўлиб, АҚШдаги ўзбекистонликлар орасида миллий урф-одатларни асраб авайлаш, тарғиб этиш ва ватандошларни бир жойга жамлаш мақсадида ташкил этилган. Жамият ҳақида унинг сайтдан тўлиқ маълумот олишингиз мумкин: <http://www.uzbekchicago.org/>



## Ўзбекистонлик журналист Мустақиллик байрами тантанаси ғояси нега «қотиб қолгани» билан қизиқди

**Ўзбекистонда Мустақиллик байрамининг асосий тантаналари жуда кўпчилиكنинг эътиборидаги тадбир ҳисобланади. Чунки ким қачон қўшиқ куйлайди, ким охириги қўшиқни айтади, буни оддий томошабиндан тортиб, санъат аҳлигача диққат билан кузатади.**

Ўзбекистонда шоу-бизнес янгиликларини ёритиб борадиган Жасур Ҳамроевнинг ёзишича, Алишер Навоий боғида ўтказилган Мустақиллигимизнинг 22 йиллигига бағишланган тантанани томоша қилар экан, сўнги хулосаси "ҳеч янгилик бўлмас

экан-да"дан бошқаси бўлмаган! "Ёшига ёш қўшилаётган байрам баҳона ҳаётимизда қанча ўзгаришлар бўлмоқда?! Наҳот, байрамнинг тантанаси ҳеч ўзгармас!" деб хуноб бўлади журналист.

Кўпчилиكنинг фикрича, бу

йил юртимиз вилоятларида ўтказилган ва пойтахтимизда ўтган бош тантана ўртасида мусобақа ўтказилгандай. Таъбир жоиз бўлса, Андижон шаҳри стадионида бўлиб ўтган байрам бу йил энг қизиқарлиси бўлди!

Журналистнинг фикрича, одамлар бир неча йиллар майдонда Усмоновани кўрмай кўниқди ҳам. Унинг Ватан ҳақидаги байрамдан байрамгача бўлган оралиқда кечган воқеалардан руҳланиб ёзилган қўшиқларини кутарди.

Сўнги йилларда бу қоидадан воз кечилиб, финалда куйлаш бахтини бошқа санъаткорлар ҳам тота бошлади. "Финал қурсин-а! Кичик хонандаларни катта юлдузга ҳам айлантириб қўйди, финал. Гулсанамнинг ғоздек виқорини кўрмайсизми? Мамазоитова жуда эрта унвон олиб, юлдузлардек димоғдорликка баттар ружу қўйди. Таваба, бу ёш халқ артисти халққа қанчалар яқин?! Байрамда "Ажаб-ажаб"и билан сунъий кулишга уринган хонанда бир амаллаб "номер"ини ўтказди",

деб ёзади Жасур Ҳамроев.

Бироқ унвон Гулсанамга кўпроқ ижод қилиш, эл билан бирга бўлиш учун берилганини яхшилаб англамоғи керак. Мансаб мансабдан устунлик қилади, бироқ одам одамдан эмас. Унвонлар ҳам шундай... Кичик ё катта бўлиши мумкин. Бироқ, бу халқдан баландроқ туриш дегани эмас, деб маслаҳат беради муаллиф.

Жасур Ҳамроевга кўра, Севара Назархоннинг "Улуғимсан, Ватаним" қўшиғи ҳали ҳануз долзарб. Ватанпарваликка тўла бу қўшиқдан бу йил андижонликлар баҳраманд бўлишди. Ботир Қодиров, Асилбек Неъматовнинг мухлислари камми? Уларнинг ижодидан ҳам андижонликлар баҳраманд бўлди.

Журналистнинг ёзишича, Насиба Абдуллаева, Фуломжон Ёқубовлар сўнги йилларда байрам тантаналарида унутиб қўйилди. "Дастур бўм-бўш. Қўл учида қилингандек. Саҳнада гавжумлик йўқ. Кийимларда байрамона руҳ йўқ. Тикувчи дизайнерлар нега маҳоратини кўрса-

тишга уринмаган? Энг ёққани саҳнани гир айлантириб безатилган тирик гуллар бўлди. Экранларда турли ранглардан бошқа нарса йўқ. Улар асосий вазифасини унутиб қўйгандек. Ҳозир "юлдузлар" "Истиқлол" саҳнасида шундай йирик экранларни ўрнатаётган маҳалда катта байрамга ҳайратланарли декорациялар қурдиришга қурбимиз етмайди?!", деб савол беради муаллиф.

Жасур Ҳамроев режиссёр иши деярли кўринмаганини ёзади. "Ё унда янги ғоя тугаган ё янги ғояларга йўл берилмаган. Озодбекнинг "Найда бор"и яна неча йил янграркин, а?! Эски қўшиқ бўлса-да, Назарбеков бу йил кийинишига катта эътибор қаратибди. Унинг аристократ кийимини кўриб, ҳеч ким Андижоннинг Шаҳрихонидан демайди! Қўшиқчи қолиб, депутат куйлашга ўтибдими дея ўйлаб ҳам қоласиз. Кийимга гап йўқ, наҳот, "гап йўқ" даражада бирон янги қўшиқ ярата олмаган бўлса?!", деб савол остига олади муаллиф.





# Плагиат "Юлдузлар" ёки бир кўшиқнинг кўш ўғрилари

**"Даракчи" газетасида хориждаги хит кўшиқлар Ўзбекистонда бир варакайга икки хонанда томонидан ўғирланаш ҳолатлари кўп учраётганини ёзади. "Бугун шоу бизнесимизда хорижга нисбатан тақлид тобора ажб олиб борапти. Авваллари бир икки кўшиқнинг мусиқаси бироз хориж кўшиқларига ўхшашига кўз юмиб кетаверардик. Энди эса бутун бошли кўшиқлар ўғирланиб, уялмай нетмай уларга клип ҳам ишланяпти. Бирор бир хонанда томонидан бошқа халқлар кўшиқларини ўғирлаб куйлаб чиқишнинг ўзи куракда турмайдиган ҳолат саналарди. Буни қарангки бугун "Ўғрини қароқчи урди" деганларидек хориждаги хит бўлган кўшиқни бир эмас икки хонанда куйлаб чиқяпти", деб ёзилади газетда.**

Газетага кўра, бундан чамаси бир йил муқаддам Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Равшан Комиловнинг давомчиси Фаррух Комилов мухлислар эътиборига тақдим этган "Кел-кел" номли кўшиғи ва унинг клипи орадан кўп ўтмай бу кўшиқ Рухшона ва Сирожиддин томонидан "Сени дея" номи остида куйлангани маълум бўлди. "Кўшиқни ким, кимдан ўғирлади деган саволни ўртага ташлаётганимизда эса Фаррух Комилов бу кўшиқ асли Руминиялик хонандалар томонидан куйланганини маълум қилди", деб ёзади газетта.

Турк эстрадасида катта шов-шувларга сабаб бўлган хонанда Гулшеннинг "Оф-оф" номли кўшиғини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мавлуда Асалхўжаева ўзбекчасига "Ўх-ўх" дея куйлаб чиқди. "Ва кўп ўтмай бу кўшиқ Мавлуда Асалхўжаеванинг тўйда куйлайдиган кўшиқлари қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллади. Хонанданинг маълум қилишича у турк хонандаларидан кўчириб куйлаган кўшиқларининг барчасини муаллифлик ҳуқуқи асосида сотиб олган", дейилади газетда.

Орадан кўп ўтмай

Ҳосила Раҳимова туркияга сафар уюштириб, "Оф-оф"ни ҳеч қаерини ўзгартирмай турк тилида куйладию, унга клип ҳам олдириб келди. "Миш-мишларга қараганда кўшиқ сабаб ғазаб отига минган Асалхўжаева ҳамда Раҳимова ўртасида қисқа торттишув ҳам бўлиб ўтган экан", деб таҳририят.

"Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Аваз Олимов ва хонанда Гули Асалхўжаева ўғирлаб куйлаш борасида устаси фаранглардан саналишади", дейилади мақолада. Гули Асалхўжаева томонидан турк эстрадасидан олиб айтилган "Сен ва мен" номли кўшиғини кўп ўтмай Аваз Олимов "Танхо сенга ёрман" дея куйлаб чиқибди.

Газета плагиатлик ҳақида сўз очилганда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мавлуда Асалхўжаевани такрор ва такрор эслаб ўтмасликнинг имкони йўқлигини ёзади. Бундан 2-3 йил аввал хонанда "Мўжиза" номли кўшиқни мухлислари эътиборига ҳавола этган эди. Бу кўшиқни ёш хонанда Афсона ҳам куйлайди. "Устига устак фалон пулга клип суратга олдиришга ҳам ул-

гурган. Маълумотларга қараганда клип бор йўғи 2-3 марта ТВ орқали намойиш этилган Асалхўжаева Афсонага кўшиқни сотиб олиб куйлагини рўқач қилиб, бу кўшиқни куйлашга ҳаққи йўқлигини айтган", деб ёзади "Даракчи".

Турк эстрадасида узоқ йиллик тарихга эга ва кўплаб хонандалар томонидан айтилган "Sene donmeyeseğim" номли кўшиқни хонанда Севинч Мўминова ҳам ўзбек тилида, ҳам турк тилида куйлаб, клипини ТВ орқали намойиш этган эди. Ўшанда бу кўшиқ турк эстрадасидан ўғирланган. Бундан 10 йиллар муқаддам хонанда Озода Нурсаидованинг "Сен бўлмасанг бошқаси" номли кўшиғи ҳам "S e n e donmeyeseğim"нинг ўзбекча талқини бўлиб чиқди.

"Хоразмда кўплаб мухлислар орттиришга улгурган Наврўзбек Собиров ҳали ёш бўлишига қарамай ижодни ўғирлашдан бошлаган кўринади", деб ёзади газета. Унинг ижросидаги "Бошимда яна ғавғолар" номли кўшиқни Лейла исмли хонанда ҳам шу кўшиқни куйлаб чиқади. Бу кўшиқ ҳам

турк эстрада юлдузларидан ўғирланган экан.

"Озарбайжонлик таниқли хонанда Узейрининг "Мана гал" номли кўшиғи нафақат Озарбайжон ёки Ўзбекистонда балки бутун Марказий Осиё мамалакатларида машҳур бўлиб, тилга туша бошлаганидан сўнг бизникилар ҳам отни қамчилашга тушишди", деб ёзади мақола муаллифи. Биринчилардан бўлиб Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Аваз Олимов кўшиқни қандай бўлса шундайлигича куйлаб чиқади. Фақатгина тўйларда куйлайди. Умида Мирҳамидова эса кўшиқни ўзбекчалаштириб, уни энди мухлислар эътиборига ҳавола этмоқчи бўлиб турганда йўқ ердан Юлдуз Турдиева пайдо бўлдию кўшиқнинг ўзбекча талқинини ва клипини тайёрлаб эфирга бериб юборди.

Газета Ўзбекистонда 2006 йилдан буён Муаллифлар ва ижрочилар Гильдияси фаолият юритиб келаётганини ёзади. "Наҳот оддий мухлис ва тингловчилар пайқаётган юқоридаги каби плагиатликларни мазкур ташкилот ходимлари билмаётган ёки бу кўшиқлар уларнинг қулоғига етиб бормаётган бўлса?" деб савол беради нашр.

"Наҳот мен санъаткорман дея бошини баланд кўтариб юрган санъаткорларимиз бировнинг меҳнати эвазига чўнтақларини қаппайтиришдан ор қилишмаса. Бу кетишда санъатимизнинг эртасини қандай тасаввур қилиш керак?", деб хулоса қилади "Даракчи".

## «Miss World»га даъвогар Раҳима Фаниева Чехов, Достоевский ва Толстой асарларини ўқишни яхши кўради

Ўзбекистон номидан "Miss World" халқаро гўзаллик танловида қатнашадиган Раҳима Фаниева Тошкентдаги "Pro Models" моделлар агентлигининг вакиласи экан.

Mezon.uz сайти ходимлари Раҳима Фаниева масаласига оидлик киритиш мақсадида агентликка мурожаат қилганида, ўзига хос сюрпризга дуч келишган: исми ошкор қилинишни истамаган агентлик ходимаси Ўзбекистон бўйича бўлиб ўтган танловда Раҳима Фаниева галаба қозонгани ҳақида эшитмаганини, балки қандайдир Карина деган киз ютганини айтиб ўтган. Унинг сўзларига кўра, Раҳима



ҳозирги кунда Лондонда бўлиб турибди. Ушбу сафар ҳақида бошқа маълумотлар йўқ. Раҳима Фаниева ижтимоий тармоқларидаги хатларга жавоб бермаяпти. Дунё гўзали танлов ташкилотчилари сайтидаги маълумотларга кўра, Раҳима Фаниева Тошкентдан бўлиб, 18 ёшни қарши олган. Тошкент туризм коллежини тамомлаган. У спорт билан мунтазам шуғулланади, Чехов, Достоевский ва Толстой сингарини рус ёзувчилари асарлари мутлаасини яхши кўради. Россия, Англия, Озарбойжон, Бирлашган Араб Амирликлари ва Кипр сингари мамлакатларда бўлган. У жорий йил Индонезияда бўлиб ўтайдиган "Дунё гўзали" 63-танловида қатнашаётганидан жуда ҳам бахтиёр эканлигини айтади.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон вакиласи Раҳима Фаниева "Дунё гўзали" "Miss World" халқаро гўзаллик мусобақасида ўз мамлақати шарафини ҳимоя қилади. Мазкур халқаро танлов расмий сайтида айтилишича, Раҳима жорий йилнинг 20 июлида Ўзбекистон босқичида голиб бўлган.



## Виржинияда ўзбек анъанавий дала сайлининг беш йиллиги бўлиб ўтди

Америкадаги ўзбеклар АҚШнинг деярли барча штатларида истиқомат қилишади. Гарчи уларнинг ораларидаги масофа нисбатан узоқ бўлсада, юртдошларимизни руҳан боғлаб турадиган миллий қадриятлар, она ватан меҳри ва урф-одатлар каби омиллар уларни тез тез дийдорлашиб туришга ундайди.

Ушбу ойнанинг еттинчисида бўлиб ўтган дала сайли бунга яққол мисол бўла олиши мумкин. Сайил ташкилий

ишларда энг фаол юртдошларимиздан Одил Рўзалиев ташаббуси билан АҚШнинг Виржиния штатида уюштирилди. Виржинияда ўзбеклар сайли беш йилдан бери анъанавий тарзда ўтказиб келинади ва бу йил унинг 5 йиллигига бағишланиб юртдошларимиз талабига кўра бу йил бир йилда икки марта ўтказилди. Ватандошларимизни ана шундай гўзал даврада бирлашти-

ришда гарчи Одил Рўзалиевнинг хизматлари катта бўлса-да "Буни барчамиз бирга ташкил этдик, ҳаммамизнинг хизматларимиз бу ишда катта" дейди Одил ака.

босиб келган Нью-Йорклик ўзбекларнинг айтишича, йўл узоқ бўлишига қарамай улар ҳар йили ушбу сайилга ташриф буюришади.

Қизиғи шундаки, сайил қатнашчилари



Сайилда эслатиб ўтганимиздек, АҚШнинг кўпгина штатидан меҳмонлар ташриф буюришди. 5-6 соатлик йўл

орасида нафақат ўзбеклар, балки тожик, рус, турк ва қирғиз миллати вакиллари ҳам мавжуд эди. Уларнинг баъ-

зилари ўзбекистонлик танишлари орқасидан келган бўлса, баъзилари айнан "Ўзбекона ош"ни татиб кўриш учун ташриф этган.

Ўзбекона безатилган дасатилган самоварда қайнатилган чой, сомса, кабоб, тошкентча ош ва ўзбекона самимий сухбат барчанинг қалбига

улкан қувонч улаша олди десак адашмаймиз.

Уларнинг хурсандчилигини, қувончини нафақат юзларидаги таянчдан, балки сайил якунида биргалашиб рақсга тушиб кетганларидан билиш қийин эмас эди. Келаси йилги анъанавий сайилга кўришгунча хайрлашиб ватандошлар ўз штатларига йўл олишди.

**(Одил Рўзалиев олган суратлар).**

## Ўзбекистон аҳолисининг 17 фоизи ортиқча вазига эга

Ўзбекистонда мамлакат аҳолисининг 17 фоизи ортиқча вазн муаммосидан азият чекар экан. Бу ҳақда БМТ озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO) ҳисоботида асосланиб, 12uz.com сайти хабар тарқатди.

Ушбу кўрсаткич билан Ўзбекистон МДХ мамлакатлари орасида 11-ўринда қайд этилган. Россияда 24,9 фоиз, Озарбойжонда 24,7 фоиз, Арманистон ва Белорусда 23,4 фоиз, Латвияда 22 фоиз, Грузияда



21,2 фоиз, Украинада 20,9 фоиз, Молдовияда 20,4 фоиз, Эстонияда 18,9 фоиз одамлар семизликдан қийналади.

Марказий Осиёда Қозоғистон биринчи ўринда, кейин Ўзбекистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Тожикистон эгаллаган.

**Икки фарзандли Гулшан Ҳайдарова 33 ёшида яна тўрт ўғилни бўлиб, қаҳрамон онага айланди. Бу ҳақда ушбу маҳаллани оталиққа олган Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи хабар бермоқда.**

## Тошкентда 4 нафар эгизак дунёга келди

Уларнинг бари ўғил болалар. Эгизакларни Бектемир тумани "Чашма" маҳалласида яшовчи 33 ёшли Гулшан Ҳайдарова дунёга келтирди. Ҳозирда улар ўзини яхши ҳис этмоқда, аҳоли эса қониқарли даражада.

Шу боис шифокорлар қаҳрамон она-болаларга 11 сентябрь куни уйга жавоб беришмоқчи.

Янги чақалоқларга Ҳасан, Хусан, Ислоҳ ва Карим деб исм қўйишди. Ҳайдаровларнинг бундан ташқари тўнғич қизи ва ўғли бор. Шундай қилиб, уларнинг фарзандлари энди олти нафарга етди.



# Financial Aid Available

(FOR THOSE WHO QUALIFY)

## Job Placement Assistance

- Comprehensive Accounting (Excel, QuickBooks, Peachtree)
- ESL (English As a Second Language)
- Medical Office Specialist (EKG, Phlebotomy, Medical Billing)

**The National Certification Exam is offered after completing the Medical Office Specialist program:**



Patient Care Technician  
 Phlebotomy Technician  
 EKG Technician  
 Clinical Medical Assistant  
 Medical Administrative Assistant  
 Medical Laboratory Assistant  
 Medical Billers/Coders



Accredited by Council for Independent Colleges and Schools (ACICS). Licensed by the New York State Education Department

**MANHATTAN SCHOOL OF COMPUTER TECHNOLOGY**

**ADDRESS: 931 Coney Island Avenue, Brooklyn, NY 11230**

(Between Ditmas and Newkirk Ave)

**DIRECTIONS:** Train **B, Q** to Newkirk Ave or Bus **B8, B68** to Coney Island Ave and Newkirk Ave

**CALL:**

**(718) 360-1534**



## SILK ROAD EXPRESS

Авиатransпорти. Отправка посылок, бандеролей, среднегабаритных грузов  
Мы предлагаем отправку бандеролей, посылок Вашим друзьям и близким  
**Пересылка посылок с помощью Silk Road Express**  
своим родственникам и друзьям в Узбекистан это правильный выбор!

theSilkRoadExpress.com  
silkroad.express@yahoo.com

office: 718.676.0011  
cell: 347.722.3850  
cell: 347.922.3139  
2294a East 14th Street,  
BROOKLYN, NY 11229



Office address:  
Gulobod Street, dom 54 kv 50,  
Tashkent, Uzbekistan 100059  
Phone: 998 90 390 7071  
Cell: 998 94 661 6007

**BRAMSON ORT**  
COLLEGE [www.BramsonORT.edu](http://www.BramsonORT.edu)

**QUEENS CAMPUS**  
69-30 Austin Street, Forest Hills  
877-404-5373  
Zoya Yakubova ext. 178

**BROOKLYN CAMPUS**  
8109 Bay Parkway, Brooklyn  
877-472-1097  
Tatyana Golovko ext. 233

- ACCOUNTING
- PARALEGAL
- BUSINESS & HOTEL MANAGEMENT
- BUSINESS MANAGEMENT ONLINE DEGREE
- ADMINISTRATIVE ASSISTANT
- MEDICAL ASSISTANT
- PHARMACY TECHNICIAN
- PROFESSIONAL BILLING AND CODING
- ELECTRONICS TECHNOLOGY
- HVAC & CADD
- RENEWABLE ENERGY TECHNICIAN
- COMPUTER NETWORKING
- COMPUTER PROGRAMMING
- GRAPHIC DESIGN (MAC & PC)
- GAME DESIGN & PROGRAMMING
- WEB DESIGN & WEB ANIMATION
- ENGLISH AS A SECOND LANGUAGE

**GET YOUR  
DEGREE!**

**LOW  
TUITION!**

**REGISTER  
TODAY**

**EDUCATION is  
The SECRET to  
SUCCESS!  
Invest in YOUR  
FUTURE!**

**OPEN HOUSE  
EVERY  
WEDNESDAY**

- ✓ ПОМОГАЕМ В ТРУДОУСТРОЙСТВЕ
- ✓ ОКАЗЫВАЕМ ФИНАНСОВУЮ ПОМОЩЬ
- ✓ КЛАССЫ ДИСТАНЦИОННОГО ОБУЧЕНИЯ
- ✓ ДНЕВНЫЕ, ВЕЧЕРНИЕ И УТРЕННИЕ КЛАССЫ

The Bramson ORT Programs Gainful Employment Disclosures are posted on [www.BramsonORT.edu](http://www.BramsonORT.edu)